

МАРГИЛОНДА БОЛАЖОНЛАР БАЙРАМИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Ёзнинг биринчи куни 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Марғилон шаҳрида турли концертлар, кўргазмалар, сайиллар, спорт мусобақалари ўтказилиши анъанага айланган.

Хусусан бугун шаҳримиздаги “Ижодкорлар боғи” ҳам болаларнинг беғубор табассумлари, турфа нафис гуллар ифори ва қушлар ҳониши билан гўёки мўъжизалар дунёсига айланди.

Тадбирда шаҳардаги ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ҳамда барча беғубор болажонлар учун концерт дастури ташкил этилиб, жажжи ўғил-қизлар ижросида янграган куй-қўшиқлар байрам иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашди.

Шунингдек, Марғилон шаҳар Оила ва хотин-қизлар бўлими ташабbusи билан “Оналарга эҳтиром” фестивали дастури доирасида “Нигоҳимда менинг онам” мавзусида расмлар танлови ҳам ўтказилди.

Танлов давомида ранг-тасвирга қизиқувчи ўқувчи ёшлар мунис ва мўътабар оналарига бўлган эҳтиромларини, шунингдек, табиат манзаралари, она Ватан сиймоси, миллий қаҳрамонларимиз тасвирини ўз тасаввурлари асосида акс эттиришди.

Танлов якунида ҳеч бир бола эътибор ва рағбатдан четда қолмади. Уларнинг ҳар бирига байрам муносабати билан эсдалик совғалари топширилди.

2024-06-01 12:05:50